



 Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

Пахтаобод тумани

ПАХТАОБОД ТУМАНИ

1926 йил 29 сентябрда ташкил қилинган. 1962 йил 24 декабрда Избоскан тумани билан бирлаштирилган. 1970 йил 7 декабря яна янгидан ташкил қилинган. Шимол ва шимолий-шарқдан Ўирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, гарбдан Избоскан, жанубдан Андижон, шарқда (52км масофада) □Ўирғизистон Республикаси ва Жалақудуд тумани билан чегарадош. Майдони 0,29 минг км². Ахолиси 147,3 минг киши. Туманда 1 та шахар (Пахтаобод), 5 та қишлоқ фуқаролар йиғини (Бўстон, Иттифоқ, Маданият, Пахтакор, Уйғур) бор. Маркази – Пахтаобод шахри.

Табиати: Туман худуди вилоятнинг шимолида Норин ва Қорадарё воҳасидаги ясси теккислиқда жойлашган. Релефи ғарбдан шарққа баландлаша боради. Ўртacha баландлиги 260 м. Тупроқлари асосан бўз тупрок. Дарё бўйларида ўтлоқи бўз тупрок, ботқоқ-ўтлоқи ва ботқоқ тупроқлар тарқалган. Адирлар эфемер ва эфемероидлар, захкаш ерларда қамиш, кўға, қиёқ ўсади. Ёввойи хайвонлардан қизилкуйруқ, қумсичкон, жайра, кўшоёқ, кўрсичкон, қуён, бўри, тулки, тўнғиз, бўрсик, калтакесак, илон ва бошқалар, кушлардан чумчук, чугурчук, сўфитўргайлар бор. Туман худуди орқали Ўорадарё, Тентаксой, Майлисой оқиб ўтади. Дарё ва сой қирғоқларининг айrim жойлари харсанг тошлар билан мустахкамлашган. Ўишлок хўжалик экинлари Ўорадарё, Майлисойдан суғорилади. □□□□□□□□□□ ва □□□□□□□□□□ насос станциялари қурилгандан кейин Норин дарёсидан хам олинадиган бўлди. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртacha харорати 26,7 даража, январники минус 3,5 даража. Энг паст харорат минус 26 даража, энг юқори харорат 42 даража. Йилига ўртacha 300-400 мм ёгин тушади. Ёмғир асосан қишида ва баҳорда ёғади. Вегетация даври 217 кун. □

Ахолиси: Қасосан, ўзбеклар, шунингдек, уйгур, қирғиз, тожик, татар, рус ва бошқа миллат вакиллари хам яшайды. Ахолининг ўртача зичлиги 1 км² га 567 киши.

ПАХТАОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Ҳокими: □ Бозоров □ Маҳмуджон □ Турсунович

Иш вазифаси: Туман ҳокими туманда олий мансабдор шахс бўлиб, айни бир вақтда худудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади. Шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари хамда Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади.□

Телефонлар: 0 (374) 711-30-00 Факс: 0 (374) 711-30-00

Манзил: 171300, Пахтаобод тумани, Амир Темур кўчаси, 39 уй

Иш кун вақти ва тартиби: 09:00-18:00 // Обед 13:00 дан 14:00 гача

 EXAT: paxtaobod@exat.uz //  E-mail: paxtaobod@andijan.uz

Мурожаатлар учун: 0 (374) 711-11-92 //  ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ: 0 (374) 711-30-00

WEB Site: www.paxtaobod.andijan.uz

ПАХТАОБОД ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ □ НИЗОМИ □